

Шаҳватни сунъий қондириш гуноҳми?

15:40 / 24.04.2016 14931

Бир биродаримиз чидай олмасдан азл қияпти. Гуноҳлигини билиб туриб, нафсининг кўйига кириб шундай қияпти. Бу киши уйлана олмай юрибдилар. Ҳатто рўза ҳам тутяптилар, лекин барибир фойдаси бўлмаяпти экан. Уларга қандай насиҳатингиз бор ва нима қилишни тавсия қиласиз? Азл ҳақида ҳам озгина тушунча берсангиз.

ЖАВОБ: Назаримда, сиз уруғни ташқарига тўкиш билан шаҳватни сунъий равишда қондиришни адаштираётганга ўхшайсиз. Эркакнинг бола бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида жинсий алоқа сўнгида уруғни ташқарига тўкиши «азл» дейилади. Киши шаҳватини қўл билан сунъий равишда қондириши эса диний адабиётда «истимно», ажнабий адабиётда «онанизм» деб аталади. Онанизмнинг хавfli тарафи шаҳватни сунъий тарзда қондириш оқибатида турли тузалмас касалликларга дучор бўлиниши мумкин. Асарларда бу иш “қўлини никоҳлаш” дейилган ва бунинг гуноҳлиги таъкидланган. Ҳозирги тиб илми бу иш билан шуғулланганлар жинсий заиф бўлиб, бу борада яроқсиз бўлиб қолишини исботлаган. Биродарингиз рўза тутишда давом этиб, уйланиш чорасини ахтарсин. Сизлар бунда у кишига ёрдам беринглар (Аллоҳ билувчидир).